Ҳаксевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил 3 февраль ШАНБА

№ 10 (13063)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати **хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг** самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради. Жумладан:

**биринчидан,** ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни манзилли қўллаб-қувватлаш тизими мавжуд эмас, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан якка тартибда иш олиб бориш амалиёти йўлга қўйилмаган, хотин-қизлар ўртасида бандликка кўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича фаолият самарасиз ташкил этилган;

**иккинчидан,** ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, замонавий намунали оилани шакллантириш, унинг маънавий-ахлоқий негизлари ва анъанавий оилавий қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича мақсадли ишлар олиб борилмаяпти, эрта никоҳларнинг, оилалардаги низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича чораларнинг самарадорлиги паст даражада қолмоқда;

**учинчидан,** хотин-қизларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш борасидаги фаолият етарли даражада ташкил этилмаган, оналар касаллиги ва перинатал касалликлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш бўйича самарали тизим, айниқса, чекка қишлоқ ҳудудларида мавжуд эмас;

**тўртинчидан,** хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўрилмаяпти, хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга юридик маслаҳатлар бериш механизми замон талабларига жавоб бермайди;

**бешинчидан,** хотин-қизлар қўмиталарининг кенг кўламли вазифалари зарур ваколатларнинг йўқлиги ва ташкилий-штат бирликларининг етишмаслиги шароитида хотин-қизларнинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш борасида уларнинг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш имконини бермаяпти;

**олтинчидан,** Республика "Оила" илмий-амалий маркази ташкилий бўйсунувининг ноаниқлиги ва зарур молиялаштириш манбаларининг мавжуд эмаслиги, оила муаммоларини ўрганиш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан амалий, илмий асосланган таклифларни ишлаб чиқиш бўйича унга юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига тўсқинлик қилмоқда;

**еттинчидан,** ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилани мустаҳкамлаш, низоли ҳолатлар ва ажрашишларнинг олдини олиш соҳасида кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича ишлар ташкил этилмаган.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни инобатга олган ҳолда:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятининг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

**биринчидан,** хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш;

**иккинчидан,** хотин-қизларнинг муаммоларини ўз вақтида аниқлаш, ёрдамга муҳтож бўлган ва оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларнинг, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, уларга ижтимоий-ҳуқуқий, психологик ва моддий ёрдам кўрсатиш;

**учинчидан,** хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, хотин-қизларни, айниқса, қишлоқ жойлардаги ёш қизларни оилавий ва хусусий тадбиркорликка, ҳунармандчиликка кенг жалб этиш масалаларида ҳар томонлама манзилли қўллаб-қувватлаш;

**тўртинчидан,** хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, биринчи навбатда, ҳуқуқбузарликка мойиллиги бўлганлар билан якка тартибда иш олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган хотин-қизларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашиши бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорликни таъминлаш.

2. Белгилансинки, **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари энг аввало:**

жойларда оғир ҳаётий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган аёлларни ўз вақтида аниқлаш, улар билан якка тартибда ҳамда аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш, уларни манзилли қўллаб-қувватлаш;

хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, улар ўртасида оилавий ва хусусий тадбиркорликни, ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича амалий чораларни амалга ошириш;

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, шу жумладан, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга **шахсан жавобгардир.**

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига тегишли штат бирликларини туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари тузилмасига ўтказган ҳамда маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш тартибини сақлаган ҳолда **хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис** (кейинги ўринларда – мутахассис деб юритилади) лавозимини жорий этиш бўйича таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

мутахассис лавозими ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан жорий этилади;

мутахассис фуқаролар йиғини биносида жойлашади, лавозими бўйича фуқаролар йиғини кенгашининг таркибига киради ва фуқаролар йиғини билан яқин ҳамкорликда ўз фаолиятини амалга оширади.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан биргаликда 2018 йилнинг 1 апрелига қадар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича ҳар бир маслаҳатчиси фаолиятини танқидий ўрганиб чиқсин ва натижалари бўйича янгидан киритилган мутахассис лавозимларига етарли билим даражасига, юксак маънавий ва ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ўзига юклатилган вазифаларни лозим даражада бажара оладиган шахсларни тайинлаш чораларини кўрсин.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) хотин-қизлар қўмиталари ижро этувчи аппаратларининг намунавий тузилмалари 3, 4 ва 5-иловаларга мувофиқ;

Хотин-қизлар қўмиталари ижро этувчи аппаратлари ходимларининг чекланган сонига нисбатан тоифаланган вилоят марказлари бўлган шаҳарлар, туманлар (шаҳарлар) рўйхати 6-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари ва ўринбосарлари мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича тегишлича вазирнинг биринчи ўринбосари ва вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси марказий аппарати ходимларига нисбатан, истисно тариқасида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ҳудудий давлат бошқаруви органлари ходимлари фаолиятини янада такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2017 йил 9 январдаги ПҚ-2722-сон қарорининг 1-бандида белгиланган ҳар ойлик устамалар қўлланилади.

6. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази (кейинги ўринларда "Оила" маркази деб юритилади) ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси қошидаги Республика "Оила" илмий-амалий маркази негизида ташкил этилсин ҳамда қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

оила институтини мустаҳкамлаш бўйича, энг аввало, **"Соғлом оила – соғлом жамият"** концептуал ғоясини ҳаётга татбиқ этишга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини олиб бориш, бу соҳада норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланишини, унинг фаровонлиги ва хотиржамлигини ошириш масалаларини комплекс ўрганишни ташкил этиш, мазкур йўналишлар бўйича услубий тавсияларни ишлаб чиқиш ва самарали татбиқ этиш;

замонавий оилани ривожлантириш, оиланинг ички муносабатлари, шахслараро муносабатларни, бой маданий тарихий мерос ва анъанавий оилавий қадриятлар муаммолари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни ўтказиш, улар асосида оила институтини мустаҳкамлаш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилавий ажрашишларнинг олдини олиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

Давоми 2-бетда.

## ОҲАНГАРОНЛИКЛАРНИНГ ДАРДУ ТАШВИШИ ВА МУАММОЛАРИ

*туманда бўлиб ўтган сайёр қабулда ўрганилди*



*Ўтган 2017 йил – "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" ҳақиқий маънода, юртимиз ривожланиш тарихида туб бурилиш йили бўлди, десак муболаға бўлмайди. Буни барча жабҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлару бунёдкорлик ишларида яққол кўришимиз мумкин. Айниқса, одамлар дардини тинглаш, кўп йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида ижобий ҳал этиш мақсадида ташкил этилган Халқ қабулхоналари фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.*

### Халқ билан мулоқот

Аҳоли билан доимий мулоқот қилиш, уларни қийнаётган муаммоларни бартараф этишнинг янги тизими ва самарали усулларини жорий этиш ислоҳотларимизнинг бош мезонига айланмоқда. Ушбу механизм фуқаролар ва давлат ўртасидаги ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилаётир. Халқимизнинг ҳуқуқий онги янада ортиб, мулоқот ва мурожаат қилиш маданияти ошгани ҳар қадамда намоён бўлмоқда.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Улуғбек Муҳаммадиев, вилоятимиз ҳокими Ғуломжон Ибрагимов ҳамда йигирма нафардан ортиқ турли вазирлик, қўмита ва агентликларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳи Оҳангарон шаҳрига ташриф буюрди. Юзма-юз суҳбат чоғида фуқаролар ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан тегишли соҳалар раҳбарлари билан бевосита мулоқот қилиш, мурожаатлари бўйича жавоб олиш имконига эга бўлдилар.

Маълумотларга кўра, 2017 йил 1 январдан бугунги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига Оҳангарон тумани фуқароларидан 5 минг 991, Оҳангарон шаҳри аҳолисидан эса, 144 мурожаат келиб тушган.

Мурожаатларнинг 26 фоизи Оҳангарон тумани, 38,9 фоизи Оҳангарон шаҳар ҳокимликлари ваколати доирасида бўлиб, мутасаддилар келиб тушган мурожаатларнинг 1 минг 652 тасини кўриб чиққан, 49 та ҳолат бўйича ўрганишлар давом этмоқда.

Қабул жараёнида бўлган мурожаатлар соҳалар бўйича ўрганилганда, уларнинг асосий қисми уй-жой, ер ажратиш, коммунал соҳа, ишсизлик, моддий ёрдам, меҳнат ва бандлик, газ ва электр таъминоти каби масалаларга оид экани маълум бўлди.

Мурожаатлар ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниб, келиб чиқиш сабаблари ўрганилди, аксарият қисми жойида ечим топди. Қўшимча вақт, ўрганиш ҳамда катта маблағ талаб қиладиган муаммолар юзасидан тегишли идора ва ташкилотлар вакилларига топшириқлар берилди.

Шу куни сайёр қабулга келган фуқароларнинг кўзларида ҳақиқий маънода қувончни, эртанги кунга ишончни, асосийси, давлат ҳокимияти ва халқ ўртасидаги очиқлик, шаффофликни кўрдик. Олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси инсон манфаатларига қаратилаётганлигига яна бир бор амин бўлдик.

Бундай мулоқотлар вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этмоқда.

**Элёр ЎТБОСОВ.**

### Нуқтаи назар

*Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасини тинглаб, "Масъулият туйғуси юқори бўлган одамларгина бошқа барча ҳис-туйғуларини ўзига ва жамиятга фойда келтирадиган даражада бошқара олади", деган фикрнинг ўрни беқиёс эканлигига беихтиёр амин бўлдик.*

## МАСЪУЛИЯТ – БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Дарҳақиқат, глобаллашув даври ва сиёсий қарашлар ўзгараётган бугунги кунда мамлакатимиз жамият ва давлат тараққиётининг янги босқичига ўтди. Ортда қолган яқин тарихимиздаги ютуқлар, йўл қўйилган хатоларимиздан хулоса чиқаришимиз шарт. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, катта масъулият ҳиссига эга бўлишимиз ҳам талаб этилади. Айнан масъулиятни ҳис қилган инсонларгина Президент Мурожаатномасининг юки қанчалик оғирлигини, унда қўйилган вазифаларнинг лоақал биттаси ижро этилмаса, кутилган натижаларга эришиб бўлмаслигини тўғри англайди. Лекин, амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида бизда шахсий масъулият етишмаётгандек...

Юртимизда дунё ҳамжамияти эътироф этаётган йирик ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Мавжуд муаммоларни жойида ҳал этиш учун "Халқ қабулхоналари" фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқаришнинг янги объектлари қурилиб, эскилари модернизация қилинмоқда. Балиқчилик, чорва ва паррандачиликни ривожлантириш мақсадида янги йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилмоқда. Қишлоқ ва шаҳарларимизда фуқароларимиз янги уй-жойлар билан таъминланмоқда. Таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида ижобий ўзгаришлар сезилмоқда. Фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ишончли муҳофаза этиш мақсадида суд, прокуратура, ички ишлар органлари фаолияти ҳам тубдан ислоҳ қилинмоқда. Буларнинг негизида олий мақсад – инсон манфаатлари ва унинг кафолатлари турибди, албатта.

Бироқ, бунга жавобан шу юрт фарзандлари сифатида биз нима қилдик? Яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланиб, ўз ҳаётимизни, яшаш тарзимиз ва шароитларимизни ўзгартираяпмизми?

Баъзан, кундалик рўзғор муаммоларидан нолиб юрамиз-у, лекин иккита қорамол ёки элликта товуқ боқиб даромад қилишимиз мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Кам таъминланган оила сифатида нафақа олиш учун мурожаат қиламиз-у, лекин оила бюджетини яхшилаш учун берилаётган имтиёзлар ёки кўрсатилаётган хизматлардан фойдаланмаймиз.

Давоми 3-бетда.

## ЎЗИМИЗ ЎЗИМИЗГА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙЛИК

*Мамлакатимиз ўз тараққиётида янги босқичга қадам қўйди. Номигагина, кўзбўямачилик учун эмас, ҳақиқатан халқнинг муаммоларини ҳал қилишга қаратилган ислоҳотлар бошланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси жамиятимизда янги уйғониш даврини бошлаб берди.*

### Маънавият

Ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш учун уларни жиддий қабул қилиш, мазмун-моҳиятини тўлиқ англаб, ақл билан иш кўришга ўтишимиз лозим. Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари бежизга ташкил этилмади, бежизга Олий Мажлисга Мурожаатнома тақдим этилмади. Биздан ўз тафаккур тарзимизни, хулқимизни ўзгартириш, муаммоларни қоғозда эмас, балки амалда ҳал қилиш талаб этилаяпти.

Давоми 4-бетда.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

умуминсоний ва миллий оилавий қадриятларни, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш асосида **замонавий намунали оиланинг** мезонларини белгилаш, шунингдек, замонавий оиланинг намунали шаклини ҳамда **"Оила жамият ва давлат ҳимоясида"** конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш ишларини олиб бориш;

давлат органлари, хотин-қизлар қўмиталари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда нотинч ва муаммоли оилаларни аниқлаш ва уларнинг манзилли рўйхатларини тузиш, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш ва миллий менталитетга зид бўлган турли ёт хавф-хатарларга қарши туриш мақсадида улар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш;

оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

7. Белгилансинки:

"Оила" маркази директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади;

"Оила" маркази директори мақоми, меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, моддий таъминоти, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш бўйича вазирга, директорнинг ўринбосарлари эса вазир ўринбосарларига тенглаштирилади;

"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари "Оила" марказига ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимликларига ҳисобот беради;

"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари, туман (шаҳар) бўлимлари раҳбарлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) ҳокимлари томонидан "Оила" маркази директори билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод этилади.

8. Белгилансинки, **"Оила" маркази директори ва унинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари энг аввало:**

оила институтини мустаҳкамлаш, жамиятга унинг замонавий намунали шаклини сингдириш бўйича сифатли тадқиқот ишларини амалга ошириш ҳамда таъсирчан, илмий асосланган ва амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга;

оилада, айниқса, никоҳнинг илк даврларида эр-хотин ва уларнинг ота-оналари ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, эрта никоҳ ва ажрашишларнинг олдини олиш бўйича кўрилаётган чораларнинг натижадорлигига;

нотинч ва муаммоли оилаларни ўз вақтида аниқлаш, улардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва оилавий муносабатларни яхшилаш бўйича чоралар кўришга **шахсан жавобгардир.**

9. **Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" маркази вакилларини уларнинг вазифалари ва фаолият йўналишлари билан боғлиқ бўлмаган йиғилишларга ва бошқа тадбирларга жалб этиш тақиқлансин.**

Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари мазкур талабни бузганлиги учун эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган шахсий жавобгарлиги тўғрисида қатъий огоҳлантирилсин.

10. Давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар "Оила" марказига унинг сўровига кўра марказга юклатилган вазифалар билан боғлиқ бўлган зарур ҳужжатлар, статистик ва бошқа маълумотлар, таҳлилий материаллар, хулосалар ва бошқа ахборотнинг тақдим этилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2018 йил 1 апрелдан ФҲДЁ органларини уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

ФҲДЁ органи фаолияти, "Оила" марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси зиммасига юклатилсин.

12. **"Оила" марказининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари ҳузурида тиббиёт касб-ҳунар коллежлари негизида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва психологик асосларини ўргатиш, ажрашишларнинг олдини олиш, шунингдек, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга оид бошқа масалалар бўйича кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича махсус ўқув курслари ташкил этилсин.**

Белгилансинки, махсус ўқув курсларида қайта тайёрлаш ва малакани ошириш "Оила" маркази томонидан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ўқув дастурлари асосида амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг **Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш;

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорлик, ҳунармандчиликни ташкил этишда, меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича билим ва кўникмаларни эгаллашда кўмаклашиш.

14. Белгилансинки, 2018 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Республика "Оила" маркази ва уларнинг ҳудудий бўлинмалари бошқарув аппарати ходимлари таркибига кирувчи пенсионерларга, уларнинг бу ташкилотлардаги фаолияти ягона бўлган тақдирда, пенсиялари тўлиқ тўланади.

15. **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва "Оила" марказининг оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида ўсмир қизлар ва фертиль ёшидаги аёллар учун "аёллар маслаҳатхоналари"ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин ва қуйидагилар уларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:**

оилани режалаштириш, контрацепция усуллари, ҳомилани сунъий равишда тушириш ва жинсий йўллар орқали юқадиган касалликларнинг олдини олиш бўйича, шу жумладан, аноним тарзда, маслаҳатлар бериш;

оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ акушер-гинекологик ва ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш;

репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш, оналик ва перинатал касалликларининг ва ўлим ҳолатларининг олдини олиш соҳасида аҳолининг билими ва санитария маданиятини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда "аёллар маслаҳатхоналари", шунингдек, уларнинг асосий вазифалари юзасидан "тезкор алоқа тармоғи" фаолиятини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини киритсин.

16. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

Зулфия номидаги Давлат мукофоти таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт ва жамоатчилик фаолиятида алоҳида ютуқларга эришган ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга ҳар йили Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорларга берилади;

умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриатга, бакалавриат талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.

17. Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган "Мўътабар аёл" кўкрак нишони таъсис этилсин.

18. Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларига Комплекс чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсий жавобгарлик юклатилсин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) бир ой муддатда:

"Оила" маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари фаолиятини, уларнинг тузилмаларини тасдиқлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини, ҳар бир ходимнинг ваколатлари ва жавобгарлиги аниқ белгиланишини назарда тутган ҳолда, ташкил этиш;

махсус ўқув курслари, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини ташкил этиш;

туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассиси фаолияти, унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари, шунингдек, "Мўътабар аёл" кўкрак нишони тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзанд(лар)ини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналар учун қулай шароитларга эга арзон уйларни қуриш юзасидан ҳудудий манзилли дастурларни, шунингдек, уйларни бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилсин;

б) уч ой муддатда Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш Концепцияси лойиҳасини киритсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги "Оила" маркази билан биргаликда бир ой муддатда:

нотинч ва эҳтиёжманд оилалардаги касаллиги, шу жумладан, репродуктив саломатлиги билан боғлиқ касаллиги бор бўлган шахсларни аниқлаш ва уларга манзилли тиббий ёрдам кўрсатиш;

Республика "Она ва бола скрининги" маркази ва Республика аҳоли репродуктив маркази ҳамда уларнинг бўлинмалари фаолиятини биргаликда ўрганиш, шунингдек, уларнинг аҳолига кўрсатаётган хизматларини ривожлантиришга оид таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ўзаро ҳамкорлик қилиш тартибини тасдиқласин.

21. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" маркази, "Saodat" журнали ва "Оила ва жамият" газетаси таҳририятларини жойлаштириш учун бинолар ажратиш тўғрисида таклиф киритсин.

22. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари "Оила" маркази билан биргаликда икки ой муддатда маҳаллий бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан "Оила" маркази ҳудудий бўлинмаларини барча шароитларга эга бўлган хизмат хоналари, зарур мебель ва жиҳозлар, компьютер техникаси, алоқа воситалари ва Интернет тармоғи билан таъминласин.

23. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Фармонни амалга ошириш учун 2018 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида зарур бўлган бюджет маблағларини ажратсин, 2019 йилдан бошлаб эса ҳар йили ушбу маблағларни назарда тутсин.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2004 йил 25 майдаги ПФ-3434-сон Фармони 2018 йил 1 апрелдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Оила" маркази ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ушбу Фармондан келиб чиқиб, шу жумладан, ФҲДЁ органларининг туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилиши муносабати билан адлия ва маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг ваколат ва функцияларини чегаралашни назарда тутган ҳолда қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

26. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р. Т. Камилов зиммаларига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 2 февраль

Бошланиши 1-бетда.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ «ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ватанимиз тараққиётида, оила ва жамият ҳаётида хотин-қизлар муҳим ўрин ва мавқега эга. Мамлакатимиз аҳолисининг қарийб 50 фоизини ташкил этадиган аёллар ижтимоий-маънавий, сиёсий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларида, хусусан, давлат бошқаруви ва вакиллик органларида, ишлаб чиқариш, тадбиркорлик, фермерлик, соғлиқни сақлаш, таълим, маърифат, маданият ва бошқа ижтимоий соҳаларда самарали меҳнат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз хотин-қизлари орасида 514 нафар фан доктори, 6 нафар академик, 15 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони, 17 нафар сенатор, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати борлиги, шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг 23 фоизидан зиёдини ҳамда илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат соҳаларида меҳнат қилаётганларнинг 72 фоизини айнан аёллар ташкил этишини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ ушбу соҳадаги ишларнинг ҳолати хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш, оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонида мавжуд камчилик ва муаммолар атрофлича таҳлил қилинган.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қўмита фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланди.

Фармон билан 2018 йил 1 апрелдан фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими ўрнига ҳар бир фуқаролар йиғинида 1 тадан, оилалар сони 2000 ва ундан ортиқ бўлган фуқаролар йиғинларида эса 2 тадан хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди.

Оилавий қадриятлар ва анъаналар йўналишида фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотларни олиб бориш мақсадида Республика "Оила" илмий-амалий маркази негизида Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида алоҳида "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Оиланинг репродуктив саломатлиги ва демографик ривожланиши, замонавий намунали оиланинг мезонларини белгилаш, оила-никоҳ муносабатлари соҳасида амалиётни ўрганиш ва тажриба алмашиш борасида халқаро ва хорижий ташкилотлар, илмий-тадқиқот муассасалари билан ҳамкорликни амалга ошириш билан бир қаторда **"Соғлом оила – соғлом жамият"** концептуал ғояси ҳамда **"Оила жамият ва давлат ҳимоясида"** конституциявий принципини кенг тарғиб этиш ва жамиятга сингдириш "Оила" марказининг асосий вазифалари қаторидан жой олди.

Шу билан бирга, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Оила" марказининг масъулиятини янада ошириш, ваколатлари доирасини аниқ белгилаб олиш мақсадида қўмита ҳамда марказ, уларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбариятининг хотин-қизлар ва оила масалаларини ҳал этишдаги шахсий жавобгарлик чегаралари белгилаб қўйилди.

Фармонга биноан 2018 йил 1 апрелдан бошлаб ФҲДЁ органлари уларнинг никоҳ муносабатларига оид актларни расмийлаштириш, оила институтини мустаҳкамлаш, оилавий ажрашишларнинг олдини олиш билан боғлиқ бўлган асосий фаолият йўналиши бўйича туман (шаҳар) ҳокимликларига бўйсундирилади. Оила ва хотин-қизлар масалаларида тизимли ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ФҲДЁ органи, "Оила" марказининг туман (шаҳар) бўлими ҳамда хотин-қизлар ва оила масалалари бўйича бошқа тузилмалар фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш туман (шаҳар) ҳокими ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси зиммасига юклатилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, "Тадбиркор аёл" уюшмасининг оила ва хотин-қизлар масалаларига оид фаоллигини эътироф этган ҳолда, Фармонда **Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди**ни ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилди. Таъкидлаш жоизки, ушбу жамоат фондининг асосий вазифаси оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларига кўмаклашиш ҳисобланади.

Фармонда кўзда тутилган яна бир муҳим масалалардан бири бу оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари тузилмаларида "аёллар маслаҳатхоналари"ни ташкил этиш бўлиб, бу маслаҳатхоналар бевосита жойларда ўсмир қизлар ва фертиль ёшидаги аёлларга зарур маслаҳатларни беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон Фармонига мувофиқ Зулфия номидаги Давлат мукофоти 14 ёшдан 22 ёшгача бўлган иқтидорли қизларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан вакилаларига берилган эди.

Эндиликда янги Фармонга мувофиқ, Зулфия номидаги Давлат мукофотини ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган иқтидорли қизларга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки нафар талабгорларга бериш белгиланди ва ёш чегарасининг узайтирилгани таълим, фан, адабиёт, маданият, санъат, спорт соҳаларида ютуқларга эришган ҳамда илмий изланишлар билан шуғулланаётган олима қизларимиз учун кенг имкониятлар эшигини очиб беради.

Фармонда белгиланган янги тартибга мувофиқ, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари бакалавриатга, бакалавриат талабалари эса олий таълим муассасалари магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.

Аёл – улуғ, аёл – мўътабар. Фармонга мувофиқ жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, ўзининг самарали меҳнати билан оиланинг шаклланиши ва фаровонлиги мустаҳкамланишига, оналик ва болалик муҳофазасига муносиб ҳисса қўшган хотин-қизларга бериладиган "Мўътабар аёл" кўкрак нишони таъсис этилди.

Мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бўлган шахсларнинг яшаш шароитларини яхшилаш, уларга имтиёзли уйлардан ажратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. 2017 йилда уй-жойга муҳтож, ногиронлиги бўлган 1207 нафар аёлга арзон уй-жойлар ажратилди. Бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш мақсадида Фармон билан Вазирлар Маҳкамасига ижтимоий қўллаб-қувватлашга муҳтож оилаларга қулай шароитларга эга арзон уйларни қуриш ва бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Фармонда белгилаб берилган устувор йўналишлар ва вазифаларни амалиётда татбиқ этишни таъминлашга қаратилган 5 та бўлим ва 56 та банддан иборат "Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури" тасдиқланди.

Қабул қилинган Фармон хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиб, уларнинг оила ва жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашга, салоҳиятини тўла намоён этишига, оилалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштиришга хизмат қилади.

# ТАЪЛИМ ТИЗИМИ СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

## *жойларда ўтказилган анжуманларнинг бош мақсади бўлди*

*Наргиза Қўчқорова Янгийўл туманидаги 44-мактабда табиий фанлар йўналишида дарс беради. У айни пайтда Ангренда ўтаётган таянч мактабларини ташкил этиш бўйича амалий семинарда иштирок этаяпти. Хўш, мазкур семинарда нималарни ўрганиши мумкин?..*



Аниқ, табиий, гуманитар ва филология фанларидан таянч мактабларни ташкил этиш, унинг иш фаолияти билан кенг таништириш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан Ангрен шаҳридаги 7-, 8-, 18-, 29-умумтаълим таянч мактабларида амалий семинар ўтказилди. Вилоятимиздаги барча туман ва шаҳарлар халқ таълими бўлимларининг услубчилари иштирок этган мазкур анжуманда таълим тизимида инновацион ёндашув ва тажрибаларни оммалаштириш масаласи атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишда иштирокчиларни вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Ш. Бурхонов мамлакатимизда айни шу соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар моҳияти билан таништирди. Хусусан, устоз ва мураббийларни турли жамоатчилик ишларига жалб қилиш, ўз касбига бўлган меҳр-муҳаббатини поймол қиладиган ҳолатларга эндиликда чек қўйилгани, бундан буёғига ўқитувчилардан сифатли таълим, фидойилик талаб қилиниши қонун доирасида белгилаб қўйилгани алоҳида таъкидланди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси билан соҳага хусусий сектор вакиллари кенг жалб этилмоқда. Таълим самарадорлигини баҳолаш мезонлари замон талабларига мослаштирилаётир. Халқ таълими тизими олдига қўйилган вазифалар ижросини таъминлашда ҳудудларда фаолият кўрсатаётган таянч мактабларининг алоҳида ўрни, масъулияти бор. Ҳар бир туман ва шаҳарда муайян бир фан, соҳа бўйича энг илғор мактаб ўша ҳудуддаги бошқа мактабларга ибрат, намуна, зарурат туғилганда, кўмак бера оладиган локомотив вазифасини бажармоқда.

Мана, Ангрендаги 18-умумий ўрта таълим мактаби – шу ҳудуд бўйича табиий фанлардан таянч мактабидамиз. У ерда ўқитувчилар Р. Мираҳмедов, Б. Масаитова ва А. Қосимов "Замонавий таълим муассасаси", "Методист-ўқитувчи мактаби"нинг фаолияти тўғрисида иштирокчиларга сўзлаб беришмоқда. Бунда мактабда эришилган ютуқ ва натижалар, муаммо ва камчиликлар, баҳс-мунозара, ўзаро фикр алмашуви тарзида қизғин муҳокама қилинди. Асосийси, дарсларни конфиценциявий ёндошув негизида ташкил этиш масалалари биология, кимё, география фани ўқитувчилари жам бўлган аудиториянинг диққат марказида бўлди.

Амалий семинар давомида аниқ, табиий, гуманитар ва филология фанлари таянч мактабларининг тажрибали ўқитувчилари очиқ дарс ўтиб беришди. Республика таълим маркази, Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази вакиллари ҳам семинар давомида фаол иштирок этиб, таълим сифати ва самарадорлигини янада оширишга доир энг сўнгги илмий-назарий янгиликларни гапириб бердилар.

Худди шундай анжуман Ўрта Чирчиқдаги 72-мактабда ҳам ўтказилди. Унда филология фанлари ўқитувчилари ва мутасадди вакиллар қатнашди. Семинар давомида таянч мактабларининг ташкил этилиши, улар олдидаги вазифалар, ўқув машғулотларини ўтказиш тартиби каби масалалар кўриб чиқилди.

– Таянч мактаблари муассасаларда таълим сифати ва самарадорлигини, ўқитувчиларнинг касбий маҳоратини янада оширишга хизмат қилади, – дейди вилоят халқ таълими бошқармаси методик хизмат бўлими бошлиғи Муҳаббат Каримова.

Бундан ташқари, таянч мактаблари тажрибали ўқитувчиларининг очиқ дарслари ўтказилди. Ўрта Чирчиқ туманида тўртта шундай муассаса ташкил этилди.

Мазкур тумандаги 72-ихтисослаштирилган мактаб директори ўринбосари Муяссар Икромованинг айтишича, таянч мактабларида тажриба оширадиган ўқитувчилар Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш ва Республика таълим марказлари томонидан тузилган назорат синови материаллари асосида ҳар йили икки марта тест топширадилар.

**Беҳзод ҚОБУЛОВ,**
**Зуҳриддин РАҲМОНОВ.**

Партиялар ҳаётидан

*Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" томонидан "Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаймиз" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

# ЭШИК ҚОҚҚАН ДЕПУТАТЛАР

Унда ЎзМТДП вилоят ва Юқори Чирчиқ тумани кенгашлари, Ёшлар иттифоқи, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман кенгаши ва бўлинмаси вакиллари, депутатлар, коллеж ўқитувчи ва ўқувчилари иштирок этдилар.

Тадбирда давлатимиз томонидан ёшларга тадбиркорлик қилиш учун берилаётган улкан имкониятлар, инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш ҳақида сўз юритилди.

– Президентимиз 2018 йил 5 январда Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида қилган маърузасида тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб, бунда депутатларнинг ўрни бўлиши, улар бирлашиб, ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлганларга, айниқса, ёшларга кўмаклашиши лозимлигини таъкидлаган эдилар, – дейди партия вилоят кенгаши ёшлар масалалари бўйича етакчи мутахассиси Бобур Қодиров. – Биз ҳам партиямиздан ҳудудий ва маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар билан ҳамкорликда "Уйма-уй" лойиҳаси доирасида Қибрай, Зангиота ва Янгийўл туманларида бўлиб, бизнес режасини амалга ошириш ҳаракатида бўлган ёшларга амалий кўмак бердик. Бугунги тадбиримиз ҳам тадбиркор бўламан, деган йигит-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

**Ўз мухбиримиз.**

# МАСЪУЛИЯТ – БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

2017 йилнинг бошидан Президентимиз ташаббуси билан аҳолига имтиёзли кредитлар бериш жорий қилинди. Банк ходимлари ва маҳалла йиғини раҳбарлари уйма-уй юриб, аҳолига томорқа ерларида чорвачилик ва паррандачилик билан шуғулланиш каби қатор лойиҳалар бўйича кредитлар олиш мумкинлиги ҳақида тарғибот олиб боришди. Бироқ, кўпчилигимиз боқимандалик ва енгил кун кечиришни афзал билганимиз учун бу имкониятлардан фойдаланиб, даромад кўришимиз мумкинлигини хаёлимизга ҳам келтирмадик.

Давлатимиз томонидан тадбиркорликни ривожлантириш ва айни вақтда коррупциянинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларини текширишни камайтириш ва улар фаолиятига аралашишга чек қўйиш борасида кескин чоралар кўрилмоқда. Афсуски, айрим тадбиркорларимиз бунга бошқача назар билан қараб, истеъмолчига сифатсиз ёки яроқлилик муддати ўтган товарлар тақдим этмоқда. Бундай ҳолатлар бирор-бир чекка туманларда эмас, айнан, пойтахтимиз марказларидаги савдо ва хизмат кўрсатиш мажмуаларида кузатилаётганлиги ачинарли ҳолдир. Кўчаларда очиқчасига валюта айирибошлашимиз, пластик карталардан пул ечишни "бизнес"га айлантириб олганимиз ҳақида гапирмаса ҳам бўлади, чунки бунга кўпчилигимиз шерикмиз.

Албатта, буларни назорат қиладиган, тегишли чора кўрадиган идораларимиз бор. Лекин, биз-чи? Нега ўзимизнинг "жамоат назорати" деган фуқаролик бурчимизни адо этишдан кўра, "менга нима" дея, кўриб кўрмасликка, эшитиб эшитмасликка олишни афзалроқ ҳисоблаймиз? Булар айнан масъулият ҳиссининг етишмаётганлигидан эмасми?

Биз ёшлар тарбиясидан хавотирда бўламиз, оммавий маданият сабаб уларнинг дунёқараши ўзгараётганлигидан ташвиш чекамиз. Бироқ, ўзимиз-чи? Биз уларга қандай ўрнак кўрсатаяпмиз, шу ёшлар эртага бизнинг ўрнимизга келиб, "Ўзингиз нимани қойил қилгансиз?" деб айтишлари мумкинлигини ўйлаб кўрганмизми?

Тилимиз ҳақида дилдан кўп гапирамиз-у, амалда аҳвол ёмонлигига бепарвомиз. Телевидениеда узатилаётган айрим кўрсатувлар ва радио эшиттиришларга эътибор қаратсак, реклама ва кўрсатувларнинг номланишида, бошловчилар ва иштирокчиларнинг мулоқотларида ўзбек тилини бузиб гапирилишига ёки она тилимизда аниқ таржимаси бўлган чет эл сўзлари ишлатилишига йўл қўйилаётганлигига парвойифалакмиз. Бундай мисолларни "ЗЎР", "МТВ" каби тижорат каналларида ва FM радио тўлқинларида кўпроқ кузатиш мумкин. Бундай муносабат образли қилиб айтганда, "тилини хакка чўқиган" ёшлар кўпайишига сабаб бўлмоқда. Бу мутасаддилар қатори бизнинг ҳам тилимизга бўлган масъулиятсизлигимиздан эмасми?!

Шу ўринда Шарқ мамлакатларига эътиборингизни қаратмоқчимиз. Айниқса, Япония, Корея, Хитой каби мамлакатлар иқтисодий ривожланиш баробарида ўзликларини йўқотмаганлар, демократия ва эркинликни ўз миллий ва диний қадриятлари билан чегаралай олганлар. Бу қадриятларга таяниб, жамият тараққиётига эришганлар. Бунга, энг аввало, барча авлод вакилларида масъулият ҳиссининг камол топиши билан эришилган, десак, янглишмаймиз. Аниқроғи, бунга қайсидир аҳоли қатламининг ёки айрим тоифа шахсларнинг (масалан, раҳбарларнинг) масъулияти билангина эришилмаган, буни ҳар бир фуқаро ўзидан бошлаган.

Айрим ривожланган давлатларда эса бир жинсли никоҳнинг давлат идораларида қайд этилиши-ю, уларга фарзанд тарбиялашга рухсат берилишига фахр билан "тараққий этган жамият" деб қаралаётганлиги айнан инсон масъулиятсизлигининг маҳсули, десак муболаға бўлмайди.

Биз ҳам у ёки бу давлатларнинг ижобий тажрибаларини инобатга олиб, оғирликни фақат давлат ёки мутасаддилар зиммасига юкламасдан, бугунги жамиятимиз 10-15 ва ундан кейинги йиллардан сўнг қандай кўринишга эга бўлиши тўғрисида бош қотиришимиз, юксак масъулият билан оғирликнинг бир четини ўз елкамизга олишимиз шарт!

"Буюк ишлар бўлмайди, аксинча, улкан муҳаббат ва масъулият билан қилиниб, буюкликка чорлайдиган майда ишлар бўлади", дейдилар. Демак, ҳар бир ишга садоқат ва масъулият билан ёндашсак, фарзандлар ота-оналаридан, шогирдлар устозларидан ўрнак олиб, мамлакатимизнинг буюклик сари бораётган йўлининг етакчилари ва давомчиларига айланади. Бунинг учун эса ўзимизда, оиламизда, маҳалламизда, жамоамизда масъулият муҳити ҳукм сурмоғи ва ҳар бир катта-кичик ишларга шу туйғу билан ёндашилмоғи лозим. Пировард натижада, Президентимиз ўйлаган ва рўёбга чиқариш учун бизни даъват этаётган ислоҳотлар, албатта, амалга ошади ва халқимизнинг фаровон турмуш ҳақидаги орзулари реал воқеликка айланади.

**Муҳиддин ҚИЁМОВ,**
**ҳуқуқшунос.**

Бошланиши 1-бетда.

**Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси томонидан 2018 йил 28 февраль соат 10.00 да очиқ тендер ўтказилади**

1. ШИ-2 й.т. "УМК бозори – Киров қўрғони, 16-сонли мактаб" (Бекобод ш.) (такрорий)
2. ВХ-606 й.т. "ЗАФАР АЧСБ – Бекобод (Ўзбекистон ф/у орқали)" (такрорий)
3. ВХ-303 "Ангрен шаҳар деҳқон бозори – Оҳангарон АШБ" (такрорий)
4. ВХ-340 "Ангрен деҳқон бозори – Олмалиқ АШБ" (такрорий)
5. ВХ-311 "Ангрен деҳқон бозори – Эйвалек – Бўка АШБ" (такрорий)
6. ШИ-3 й.т. "4-кичик ноҳия – Марказий бозор – "Қўрғон" маҳалласи – 4-кичик ноҳия" (Оҳангарон ш.) (такрорий)
7. ШИ-7 й.т. "УМК бозори – Тўғон божхона пости" (Бекобод ш.) (такрорий)
8. ВХ-260 й.т. "Янгийўл АШБ – Беруний ф/у (Нурбой ота)" (такрорий)
9. ВХ-284 й.т. "Уяли қишлоғи – Янгийўл" (такрорий)
10. ВХ-344 "Оққўрғон АШБ – Қўйлиқ АШБ (Олимкент орқали)" (такрорий)
11. ВХ-350 "Оққўрғон АШБ – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
12. ВХ-367 "Янгибозор АШБ – А. Яссавий ф/у" (такрорий)
13. ШИ-15 й.т. "Қорабоғ" маҳалласи – "Янги Жигаристон" маҳалласи" (Ангрен ш.) (такрорий)
14. ВХ-593 "Қибрай тумани ИИБ Салар ШМБ – Чилонзор буюм бозори" (такрорий)
15. ВХ-299 й.т. "Дўстобод АШБ – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
16. ВХ-308 й.т. "Янгийўл темир йўл вокзали – Отажонов ф/у" (такрорий)
17. ВХ-309 й.т. "Оққўрғон АШБ – Янгийўл деҳқон бозори" (такрорий)
18. ВХ-466 й.т "Абдураҳмонов ф/у – Чорсу бозори – Беруний АШБ" (такрорий)
19. ВХ-575 й.т. "Чиноз – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
20. ВХ-613 "Мўминобод" маҳалласи – Оҳангарон АШБ" (такрорий)
21. ВХ-446 й.т. "Тошгўштшаҳарчаси – Жанубий вокзал АШБ" (такрорий)
22. ВХ-305 й.т. "Гулбаҳор шаҳарчаси – Дам олиш уйи" (такрорий)
23. ВХ-573 "Меҳнат қишлоғи – Тараққиёт – Ҳ. Абдуллаев метро бекати" (такрорий)
24. ВХ-612 "Ғишткўприк божхона пости – Келес шаҳарчаси (Кенсой орқали) " (такрорий)
25. ШИ-12 "Соғлом" маҳалласи – Ангрен деҳқон бозори" (Ангрен ш.) (такрорий)
26. ШИ-19 "Ангрен АШБ – Янгиобод АШБ" (Ангрен ш.) (такрорий)
27. ВХ-339 й.т. "Олмалиқ АШБ – Қизилой қишлоғи" (такрорий)
28. ВХ-418 й.т. "Қўйлиқ АШБ – А. Навоий номли маҳалла" (такрорий)
29. ВХ-230 "Янгийўл АШБ – С. Раҳимов ф/у" (такрорий)
30. ВХ-282 "Янгийўл АШБ – Уяли қишлоғи" (такрорий)
31. ВХ-293 "Янгийўл АШБ – Хўжаобод қишлоғи" (такрорий)
32. ВХ-316 й.т. "Бўка – Гулистон ф/у (Кўкорол орқали)" (такрорий)
33. ВХ-317 й.т. "Бўка – Қашқадарё ф/у (Т. Ражабов орқали)" (такрорий)
34. ВХ-398 й.т. "Бекобод АББ – Зафар АЧСБ" (такрорий)
35. ВХ-434 "Тўйтепа АББ – Оҳангарон АШБ" (такрорий)
36. ВХ-222 "Озодбош қишлоғи – "Сергели" МФЙ" (такрорий)
37. ШИ-12 "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия (шаҳар парки)" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
38. ШИ-21 "ЎзКТЖМ – 3-кичик ноҳия" (Чирчиқ ш.) (такрорий)
39. ВХ-450 "Паррандачилик фабрикаси – Тошкент (Жанубий вокзал АШБ)" (такрорий)
40. ВХ-607 "Ўрмон хўжалиги – Туман марказий шифохонаси" (такрорий)
41. ВХ-548 й.т. "Ғазалкент АШБ – Хумсон қишлоғи" (такрорий)
42. ВХ-557 й.т. "Қузилсув" маҳалласи – ўазалкент АШБ" (такрорий)
43. ВХ-540 "Ғазалкент – Бурчмулла қишлоғи" (такрорий)
44. ВХ-576 й.т. "Олмалиқ АШБ – Қизил бирлик қишлоғи ("Гулистон" МФЙ орқали)" (такрорий)
45. ВХ-586 й.т. "Чиноз шахри – Яллама қишлоғи" (такрорий)
46. ВХ-598 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори – Янгийўл ёғ-мой комбинати (Янгийўл транспорт ва хизмат кўрсатиш коллежи орқали)" (такрорий)
47. ВХ-600 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори – Амир Темур (Бут орқали)" (такрорий)
48. ВХ-607 й.т. "Зафар АЧСБ – Мавлонов ф/у" (такрорий)
49. ВХ-611 й.т. "Янгийўл деҳқон бозори – "Дархон" МФЙ (Коминтерин)" (такрорий)
50. ВХ-621 й.т. "Бўка АШБ – 10 йиллик қишлоғи (Хўжақўрғон орқали)" (такрорий)
51. ВХ-385 й.т. "Янгибозор АШБ – Жалолтепа қишлоғи" (такрорий)
52. ВХ-395 й.т. "Зафар шаҳарчаси – Бўка шаҳри" (такрорий)
53. ВХ-606 "Дўстобод АШБ – Қўйлиқ АШБ (Тошовул орқали)" (такрорий)
54. ВХ-547 "Марказий шифохона – Хондайлиқ қишлоғи" (такрорий)
55. ВХ-674 й.т. "Қўйлиқ АШБ – "Хўжа" МФЙ"
56. ВХ-524 й.т. "Қибрай АШБ – Чирчиқ АББ"
57. ВХ-642 й.т. "Бўка АШБ – Пискент АШБ (Сувти орқали)"
58. ВХ-612 й.т. "ТошДАУ – ТТЗ АШБ – Ёзувчилар уюшмаси санаторийси"

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли, 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли, 2011 йил 16 февралдаги 34-сонли қарорларига асосан, очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар, шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситаларни ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулкига арест солинган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

Тендер қатнашчиларидан Тошкент шаҳрига кириб келувчи йўналишлар бўйича йўналишларга таклиф этиладиган транспорт воситалари автобус ва микроавтобус турида бўлиши талаб этилади.

Тендер ташкилотчиси – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 ноябрдаги 229-сонли, Тошкент вилояти ҳокимининг 2007 йил 14 ноябрдаги 248-сонли ва 2010 йил 18 октябрдаги 247-сонли қарорлари билан тасдиқланган Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси.

Комиссия манзили: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент шоҳкўчаси, 41-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссиясига тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаментининг АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" Чилонзор бўлимидаги ҳисоб рақами: 20210000304661167001 (банк коди 00427, ИНН 300625470, ХХТУТ 51600)га 296 минг 730 сўм миқдорида маблағ ўтказиб, 2018 йил 23 февраль соат 17.00 гача буюртма беришлари лозим.

Шаҳар, шаҳар атрофи ва шаҳарлараро (вилоят ичида) йўналишларда йўловчилар ташишни ташкил этиш вилоят комиссияси тендер таклифларини 2018 йил 27 февраль соат 17.00 гача қабул қилади.

**Тендер ўтказиш манзили: Тошкент вилояти, Нурафшон шаҳри, Тошкент шоҳкўчаси, 90-уй. Маълумот учун телефон: (+99870) 762-38-77.**


Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804-сонли топшириғига, Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 28 декабрдаги 777-сонли қарорига асосан ҳамда Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантиришни ташкиллаштириш мақсадида 2018 йилдан бошлаб сув таъминоти бўйича амал қиладиган тарифларга вилоятлар учун 20 сўм/м.куб махсус устама ҳақ белгиланди.

**"MEHNAT AGRO TEX" МЧЖ ўзига тегишли Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Ҳасанбой ҳудудида жойлашган 11,86 Га ер майдонидаги узумзор ва боғларни олди-сотди шартномаси асосида сотишини маълум қилади.**

**Батафсил маълумотларни Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Қизғалдоқ ҳудуди, Мустақиллик кўчаси, 31-уйда жойлашган "MEHNAT AGRO TEX" МЧЖ раҳбариятидан олишингиз мумкин.**

**Телефонлар: (+99893) 501-22-02, (+99893) 382-49-44.**

**Тошкент вилояти "Сувоқова" давлат унитар корхонаси Тошкент вилояти Молия бошқармасининг 2018 йил 16 январдаги № ТВ-08-11-03-2018/1-сонли Декларациясига асосан шу йилнинг 1 февралидан бошлаб истеъмолчиларга етказиб бериладиган ичимлик суви ва канализация нархлари ўзгарганлигини маълум қилади:**

| | |
|---|---|
| Аҳолига ичимлик суви 1м.куб | – 450 сўм; |
| Бюджет ташкилотларига ичимлик суви 1м.куб | – 1520 сўм; |
| Бошқа ташкилотларга ичимлик суви 1м.куб | – 1520 сўм; |
| Аҳолига оқова хизмати 1м.куб | – 310 сўм; |
| Бюджет ташкилотларига оқова хизмати 1м.куб | – 570 сўм; |
| Бошқа ташкилотларга оқова хизмати 1м.куб | – 720 сўм. |

Эслатма: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги ПҚ-2900-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 22 декабрдаги ЁТ/15-04-34-11/211-2257-сонли хати ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2017 йил 28 декабрдаги "Ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама ҳақ белгилаш тўғрисида"ги 777-сонли қарорига асосан "Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармаси" учун ичимлик суви тарифларига 20 сўм махсус устама киритилган.

Маълумот учун: Ҳисоблаш ускуналари бўлмаган ҳолатларда совуқ сув хизмати бўйича тўловлар белгиланган тарифларга ошиб борувчи 1,5 коэффициентини татбиқ этиш билан амалга оширилади.


«Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари жамоаси таҳририятда кўп йиллар хизмат қилган журналист Зулхумор Жўраевага волидаи муҳтарамаси

**ҲАМИДА** аянинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# ШОҲСУПАДА ЎЗБЕК БОКСЧИЛАРИ

*Ҳиндистонда бокс бўйича катталар ўртасида илк маротаба ўтказилаётган "Indian Open" халқаро турнирида дунёнинг йигирмадан зиёд мамлакатидан энг моҳир чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун куч синашди.*

## Офарин!

Ўзбекистонлик боксчилар орасида вилоятимиз вакили Худойназар Файзов халқаро майдонда ҳам мухлису мутахассислар эътиборини қозонди. Ёш боксчимиз 2017 йилнинг охирида ўтказилган мамлакат чемпионатида олтин медални қўлга киритиб, мусобақанинг энг яхши



боксчиси, деб топилган эди. Ана шу ғалабаси эвазига терма жамоанинг асосий таркибидан жой олган Худойназар жаҳон рингларида ҳам ўзини кўрсата бошлади. У халқаро турнирда индонезиялик Алдомс Сугуро, ҳиндистонлик Лалдин Мавия, филиппинлик Марвин Табамони мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Х. Файзов ҳал қилувчи беллашувда мезбонлар вакили Салмон Анвар Шайхни катта устунлик билан енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан жой олди.

– Ўзбекистон терма жамоаси жаҳонда энг кучлилардан биридир, – дейди Худойназар Файзов. – Мен ушбу жамоанинг янги аъзоси сифатида устозларим ва мухлислар ишончини оқлай олганимдан мамнунман. Кейинги мусобақаларда ҳам фақат ғалаба учун рингга чиқаман.



Халқаро турнирда Чирчиқ олимпия захиралари коллежи тарбияланувчилари – Исроил Мадримов, Баҳодир Жалолов ва Санжар Турсунов ҳам маҳорат кўрсатди. Исроил финал учрашувида кубалик Ослей Иглесиас Эстрадани мағлубиятга учратган бўлса, Баҳодир мезбон боксчи Сатиш Кумардан устун келди. Санжар Турсунов эса кутилмаганда финалда имкониятни бой берди ва кумуш медаль билан кифояланди.

Ўзбекистон терма жамоаси аъзоларидан Бобоусмон Ботуров ва Абдулҳай Шораҳматов чемпионлик унвонига сазовор бўлди. Иқболжон Холдоров иккинчи ўринни эгаллади.

"Indian Open" халқаро турнирида бешта олтин ва иккита кумуш медаль жамғарган боксчиларимиз ҳиндистонлик ва кубалик рақибларини ортда қолдириб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# ЎЗИМИЗ ЎЗИМИЗГА ХИЁНАТ ҚИЛМАЙЛИК

Биз миллат сифатида, энг аввало, ўзимизни алдашни бас қилиб, қуйидагиларга ўхшаш ёлғонлардан воз кечишимиз керак:

Қўлидаги мобиль телефонга қараб, бир кулиб, бир қошини чимириб "алла" айтаётган оналарнинг "алла"си ёлғон!

Айтганига ўзи амал қилмайдиган оталарнинг ўз фарзандига насиҳати ёлғон!

Фарзандларининг таълим-тарбияси билан шуғулланмайдиган, уларни назоратсиз қолдириб, жиноятчилик кўчасига кириб кетишларига сабаб бўлаётган, ўзининг бурч ва мажбуриятларини билмайдиган эркак ва аёлларнинг ота-оналиги ёлғон!

Келин ва қайнона ўртасида тарози бўлолмаган, қуда томон билан буюм талашаётган "куёв"нинг эркаклиги ёлғон!

Эрининг уйидаги ҳар бир гапни онасига сотган, қайнона ҳам она эканлигини унутган келинларнинг келинлиги ёлғон!

Набираларининг тирик етим бўлишига сабабчи бўлган қайноналарнинг бувижонлиги ёлғон!

Ўз боласидан меҳрини қизғаниб, жигарбандининг кўзёшларини оқизиб "Меҳрибонлик уйи"га топшираётган ўзбекнинг ўзбеклиги ёлғон!

Давлат раҳбари айтмагунча ёки тепадан топшириқ бўлмагунча нима иш қилиши кераклигини билмай ўтирадиган амалдорларнинг фидойилиги ёлғон!

Ўзлари тарихий ва бадиий асарларни ўқимасдан ёшларни китоб ўқишга чорлаётган масъулларнинг даъвати ёлғон!

Юртбошимизнинг: "Қоғозда юзлаб масалаларни ҳал қилгандан кўра, амалда бир неча муаммони ҳал қилсанг, одамлар сендан рози бўлади", деган сўзларини унутиб, раҳбарман деган амалдорнинг раҳбарлиги ёлғон!

Бугун бутун инсоният шу давргача ҳеч кузатилмаган, барча замонларга нисбатан таҳдидларга тўла, маънавий қадриятлар тобора емирилиб бораётган, эртага нима бўлишини олдиндан айтиб бўлмайдиган глобаллашув даврини ўз бошидан кечирмоқда. Ҳар куни дунёнинг барча нуқтасида ахборот коммуникацион технологиялар ва оммавий ахборот воситалари кўмагида турли кўнгилочар воситалар ҳамда инсонпарвар ғояларни ниқоб қилган ҳолда ўқотар қуролларсиз, чегара ва масофани тан олмайдиган, кўзга кўринмас, одамларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган информацион уруш бормоқда. Мақсад эса битта – инсониятни тарихидан, маънавиятидан ва миллий қадриятларидан жудо қилиб, уни фақат ўз қорни, ҳузур-ҳаловати ва манфаати учун яшайдиган махлуққа айлантиришдан иборат. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун айрим ёшларимиз қайси мусиқалардан ҳузур қилаётгани, қайси фильмларни томоша қилаётгани, қайси услубда кийинаётгани, қайси интернет сайтларида "сайр" қилаётгани, қандай ўйинларни ўйнаётгани, ижтимоий тармоқлар орқали бир-бирларига қайси видеоларни улашаётгани, қандай ёзишмалар олиб бораётгани, таълим муассасаларида устозларига нисбатан қандай муносабатда бўлаётганликлари, кўча-кўйда ўзларини қандай тутаётганликлари, атроф-муҳитга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бўлган муносабатларига бир эътибор қилинг – биз қаёққа қараб кетаяпмиз, дея ўйга толасиз.

"Apple" компаниясининг собиқ раҳбари Стив Жобсдан журналист: "Кечирасиз, биз виртуал олам қироли хонадонини сал бошқача тасаввур қилгандик. Бироқ, фарзандларингиз ҳатто телефон у ёқда турсин оддий гаджетдан ҳам икки соатдан ортиқ фойдаланмас экан. Диванда китоб ўқиётган болаларингиз шундай дейишди. Шу ростми?", деб савол берди. Стив Жобс: "Нима, мен, "Фарзандларимни тинчлантириб бер, иложи бўлса чалғитиб тур!" дея темир матоҳ ёки интернетга ялинадиган тиланчига ўхшайманми? Мен зурриётларимнинг отасиман. Ота-она фарзандлари тақдирини темир-терсак қўлига топширганини ҳеч кўрганмисиз ёки эшитганмисиз? Шахсан мен унақа ота-оналарни тан олмайман. Улар ота-она номига нолойиқ", деб жавоб беради.

Бу мисолни келтиришимизга сабаб, бугун ота-она назоратидан четда қолган баъзи ўқувчи-ёшлар орасида мобиль телефон ва интернет қарамлиги натижасида турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга қўл уриш, зарарли оқимларга кириб кетиш, ўз жонига қасд қилиш ва эрта туғуруқ ҳолатлари учрамоқда, ёш оилаларнинг айтарлик жиддий сабабларсиз ажрашишлари кузатилмоқда.

Яқинда республикамизнинг барча вилоятларидан келтирилган тарбияси оғир вояга етмаган қизлар таълим оладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатда бўлдик. Тарбияланувчилар учун жуда яхши шароит яратилган, устозлар ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатлар самимийлиги сезилиб туради. Мактаб-интернат раҳбарига барча қизлар "ойи" деб мурожаат қилишар экан. Уларнинг юз-кўзидан меҳрга, эътиборга ташналиги билиниб турарди. Биз қизлар билан суҳбатлашиб, аввалига адашиб, иқтидорли ўқувчилар тарбияланадиган мактаб-интернатга келиб қолмадикми, деб иккиландик. Чунки, қизларнинг кийиниши, ўзини тутиши, фанларни ўзлаштириши, саволларимизга жавоб бериши, шеър ва қўшиқлар айтиши, расмлар чизиши ҳавас қилгудек даражада эди.

Мактаб-интернат раҳбарини суҳбатга тортдик. Опанинг айтишича, фақат икки нафар тарбияланувчининг ота-онаси оламдан ўтган, қолганларининг эса, ота-оналари ҳаёт экан!

Агар афғон аёллари радиодан "Етимхона" жангарилар ҳужумидан сўнг қайта таъмирланганлигини эшитса, хотиржам жон таслим қилишар экан. Сабаби, уларни террористлар ўлдирса, ёки мина портлашидан ҳалок бўлса, бегуноҳ болалари кўчада қолмайди, етимхона асраб олади. Аммо, биздаги шундай тинчлик ва хотиржамлик ҳукм сураётган замонда "Сен бўлмасанг бошқаси..." қўшиғидан илҳомланган, "Ана Меҳрибонлик уйи бор. Давлат ўзи боқади!" қабилида иш тутаётган баъзи "ота-оналар"га нима дейсиз.

Сурия ва Ироқ болалари террорчилар одамкушлигидан етим қолаётган бўлса, баъзи ўзбек хонадонларида болалар "тўқликка шўхлик" касофатидан қалби ярим бўлаяпти. Давлат Статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, мамлакатимизда 2017 йилда ФҲДЁ органлари томонидан 31 минг 900 та никоҳдан ажралишлар қайд этилган. Бу минглаб норасида болаларнинг тирик етим қолиши дегани эмасми?

Дарвоқе, ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг мавжудлиги кўп жиҳатдан оиладаги ота ва она тарбиясига боғлиқлиги ҳам барчамизга аён.

Хуллас, маънавий, миллий ва диний қадриятларимизни ўқиб-ўрганишдан чарчамасак, уларга амал қилсак ҳамда доимо маънавий огоҳ бўлиб, ёшларни ҳам шунга ундасак, Президентимиз таъкидлаганидек, ўзимиз ўзимизга хиёнат қилмасак, ўзимиз ўзимизни алдамасак, ҳалол-пок бўлиб меҳнат қилсак, буюк келажагимизни бугундан бошлаган бўламиз. Бу эса барчамизнинг фуқаролик ва инсонийлик бурчимиздир.

**Шамсиддин ЖУМАЕВ,**
**Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари.**

Бошланиши 1-бетда.

## Оила даврасида ўқиш шарт!

# «НАҲОТ, АХИР СЎНГГИ ДАМ ҲАМ, ФАРЗАНДИНГНИ ЎЙЛАСАНГ...»

Раҳматли отамиз Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлганлар. Бола эдим. Отамиз одамни титратиб юборадиган бир воқеани онамизга гапириб берганлари ҳамон эсимда.

– Вязьма йўналишидаги бир чоғроқ шаҳарчани душмандан озод қилдик, – дея гап бошлади отамиз. – Қаҳратон қиш. Икки қаватли ёғоч уйлар, кўча тўла ўликлар... Бир уйнинг иккинчи қаватига чиқсам, латта-путталар уюми ёнида бир аёл ўлиб ётибди. Битта ҳам душман йўқ – қочиб кетишган, шекилли. Энди ўгирилиб кетмоқчи эдим, ўлик ёнидаги латта уюми қимирлагандай бўлди. Очиб кўрсам, ё, қудратингдан, тирик чақалоқ ўлик онасини эмиб ётибди!..

Деразага югуриб бориб, пастдаги ҳамширани чақирдим. Зудлик билан ҳамшираю врачлар етиб келишди. Ҳайратланарли жойи шундаки, мурда совуқда қотиб қолган бўлса ҳам чақалоқ эмаётган кўкрак юмшоқ ва иссиқ эди, иккинчиси қотиб ётибди!

Ҳарбий врачлар ҳам ҳайратда: одам ўлгандан кейин узоғи билан йигирма дақиқадан сўнг танадаги барча аъзолар ўз фаолиятини тўхтатиши керак-ку!? Врачларнинг айтишича, бу аёлнинг жони узилганига камида бир ҳафта бўлган экан...

Ҳамширалар тезда гўдакнинг таглигини алмаштиришди, қайтадан йўргаклаб, шинелга ўрашди. Орадан кўп ҳам вақт ўтгани йўқ, бир пайт қарасак, ҳозиргина чақалоқ эмиб турган қайноқ ва юмшоқ кўкрак ҳам иккинчисига ўхшаб совуқда қотиб ётибди. Худди жигаргўшасининг ишончли қўлларга тушганидан хотиржам бўлгандай...



– Биров гапириб берганида икки дунёда ҳам ишонмасдим, ўз кўзим билан кўрдим, ахир, – деб отамиз ҳикоясини тугатдилар.

Нима бу? Бу не синоат, не мўъжизаки, она ўлганидан кейин ҳам юрагининг бир парчасига уммон қадар меҳр, осмон қадар муҳаббат соғинса!

Табиат қонунларига бўйсунмайдиган, тиббиёт қонунларини тан олмайдиган меҳринг олдида бутун борлиқ таъзимда, Онажон!..

**Шароф БОШБЕКОВ.**
*В. БУРМАКИН чизган расм.*

# ФОТОРАДАРЛАР ИШГА ТУШМОҚДА

*Тошкент вилояти ҳудудидан ўтган М-93 "Алмата-Бишкек-Тошкент-Термиз" автомобиль йўлининг 806-871 километрлари оралағида махсус автоматлаштирилган фоторадарлар ўрнатилиб, жорий йилнинг 20 январь кунидан буён синов тариқасида фойдаланилмоқда.*

## Эшитмадим, деманглар!

Ушбу тизим йўл ҳаракати хавфсизлигини замонавий технологиялар ёрдамида таъминлаш, юқори ҳаракат жадаллиги шароитида йўл ҳаракатини назорат қилиш, иштирокчиларнинг йўл-транспорт ҳодисаларидан ҳимоялanganлик даражасини



ошириш, қоидабузарликларни автоматик тарзда аниқлаш, қайд этиш ҳамда профилактика қилиш ишлари самарадорлигини оширади.

Йўл ҳаракати қоидасини бузган ҳайдовчиларни аниқлашга мўлжалланган мазкур махсус автоматлаштирилган фоторадарлар қисқа муддатда Тошкент вилоятининг барча шаҳар ва туманларида босқичма-бочқич ўрнатилиши режалаштирилган.

М-93 "Алмата-Бишкек-Тошкент-Термиз" автомобиль йўлига ўрнатилган фоторадарлар 2018 йилнинг шу ойидан ишга туширилади.

**Тошкент вилояти ИИБ ЙҲХБ.**

# Тестга марҳамат!

**(Шанба мутойибаси)**

Ие, келсинлар, қадамларига ҳасанот! Оббо укам-эй, ишга кирмоқчи бўлиб келдим, денг. Жуда яхши-да. Худди сизга ўхшаган буғолтирга кўзимиз учиб турганди, ўзиям.

Тайёргарлик қалай бўлди? "Қанақа тайёргарлик", дейсизми? Ие, бизда синов асосида ишга қабул қилинишини эшитмаганмисиз? Тест, эшитгандирсиз? Ҳа, баракалла. Япония, Англиядан кейин бизнинг ишхонада тест асосида ишга қабул қилиш йўлга қўйилди. Мана, ука, тест варақасини олинг. Отақўзи акамлардан аввал сизни ўзим синов қилиб кўраман. Бешта савол, йигирма бешта жавоб. Камида тўртта саволга тўғри жавоб топсангиз – марра сизники. Бошладик.

Биринчи савол: Бошлиғингиз дам олиш уйига кетаяпти.

Биринчи жавоб: Совға-салом билан кузатиб қўясиз.

Иккинчи жавоб: "Жўнаса, жўнар", деб қўл силтайсиз.

Учинчи жавоб: "Қийналиб қолманг", деб юз-юз эллик минг узатасиз.

Тўртинчи жавоб: "Яхши бориб келинг", деб самимий хайрлашасиз.

Бешинчи жавоб: Совға-саломлар билан уйларига борасиз, юз-юз эллик мингни чўнтакларига зўрлаб солиб қўясиз. "Соғиниб кетдик-ку!" деб ҳафтада бир ҳолларидан хабар олиб турасиз.

Қани, укам, жавобингизни эшитайлик.

Ў-ў-ў! Жуда ғўрсиз-ку! Тўртинчи жавобмиш... Самимий хайрлашишингизни бошига урадими улар! Бешинчини ўқинг, бешинчини. Ҳа, яшанг. Беш карра беш йигирма беш. Ҳа-ҳа-ҳа! Бешни ташанг!

Давом этамиз, укам. Бошлиқ:



"Тушликни қаерда қилсак экан-а?" деб сўраб қолди.

Биринчи жавоб: Яхши бир ошхонанинг номини айтасиз.

Иккинчи жавоб: Чойхонага ошхўрликка таклиф этасиз.

Учинчи жавоб: Уйингизга қўнғироқ қилиб, қуюқ бир зиёфат ташкил қиласиз.

Тўртинчи жавоб: Бозорга бориб, егулик олиб келасиз.

Бешинчи жавоб: "Сиз бошлаган ошхонада ғишт бўлсаям еявермиз", дейсиз.

Жавобингизга мунтазирмиз, укам. Қани?

Уф-ф! Умуман тайёргарлигингиз "нол!" Замонавий бошлиқ талаблари назариясини вобше-е ўқимагансиз. Яхши бир ошхонанинг номини айтармишлар. Ўзлариям билади яхши ошхонани! Учинчи жавобга қаранг, учинчига! Баракалла! Уч карра беш – ўн беш! Яшанг! Бешни ташанг!

Учинчи савол: Бошлиқ: "Костюмнинг тугмаси бўшаб қолибди, нима қилсам экан?" деб қолди.

Биринчи жавоб: Дарҳол игна-ип топиб, тугмаларини қадаб берасиз.

Иккинчи жавоб: Яқинроқдаги хизмат уйига бориб, қадатиб келасиз.

Учинчи жавоб: Костюмларини оласиз-да, тугма билан эмас, бўшаб қолган чўнтаклари билан шуғулланасиз.

Тўртинчи жавоб: Янги костюмшим совға қиласиз.

Бешинчи жавоб: "Бўшаб қолган бўлса, узиб чўнтакка жойлаш керак, тушиб қолади", дея маслаҳат берасиз.

Ўйлаб жавоб беринг, укам, шошилманг. Қани?

Ҳе, туринг ўрнингиздан! Осмондан тушганмисиз? Бешинчи жавобмиш... Учинчини ўқинг, учинчини. Яшанг, бешни ташанг! Ўзим ўқитиб мулла қиламан, шекилли, сизни.

Бошлиқ олдингизда йўталиб, хонасига кириб кетди.

Биринчи жавоб: "Шамоллабсиз, хўжайин", деб соғу саломатликларини обдон суриштирасиз.

Иккинчи жавоб: Дорихонадан шамоллашга қарши дори-дармон келтириб берасиз.

Учинчи жавоб: Сиз ҳам йўталиб қўясиз.

Тўртинчи жавоб: Касалхонага қўнғироқ қилиб, шифокор чақирасиз.

Бешинчи жавоб: Хоналарига кирасиз, "Бизбоп хизмат чиқиб қолдими, акахон?" деб оҳиста сўрайсиз.

Жавобингиз?..

Қўйинг-э! Ғўддайиб ўсиб қолган экансиз-да! Йўталиб қўярмишлар. Ҳе! Йўталтириб юборишмасин тағин. Бешинчини ўқинг-э! Ҳа, шундоқ, хизматларини қиласиз, кам бўлмайсиз.

Тўғрисини айтсам, укам, ғирт ошқовоқнинг ўзи экансиз. Бу туришингизда умуман ишлолмайсиз. Ҳозир сизга тест синовларининг бир вариантини бериб кўрдим. Бунақа вариантлардан эллик-олтмишта бор. Агар ҳисоб-китобни яхши қилсангиз, репититорлик қилиб, сизни бир ой синовга тайёрлашим мумкин. Ўзим қоровул бўлсам-да, замонавий бошлиқ талаблари назариясини хўп ўрганганман ... Ана ундан кейин ишга кирасиз, ўсасиз, қарабсизки бошлиқ бўлиб, ўзингиз тест олиб ўтирибсиз-ку!

Ие, ҳов, укам? Ишхонамизнинг эшиги бу томонда, кўчага қараб юраяпсиз?

Биринчи жавоб: "Тайёргарлик кўриб келаман", дедингиз.

Иккинчи жавоб: "Чиқимга тоқатим йўқ", дедингиз.

Учинчи жавоб: "Ишламаганим бўлсин", дедингиз.

Тўртинчи жавоб: "Юқорига арз қиламан", дедингиз.

Бешинчи жавоб: "Тестинг ҳам, пестинг ҳам қуриб кетсин!" дедингиз.

Ҳов ука, қайси жавобни танладингиз, аниғини айтиб кетинг?!

**Саид АНВАР.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-58-85 (факс)
Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10
Масъул котиб: 233-12-83
Бўлим муҳаррирлари 233-38-23, 233-48-08
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Саид МУҚИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-1015. Адади 18 012. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 23.30.